



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 13 февраль, № 29 (6987) Сешанба

Сайтнинг QR-кодига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

Қўшма комиссия йиғилиши

Тошкентда Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ганининг 2017 йил 4 — 6 декабрь кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясини тузиш ҳақида келишувга эришилган эди. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислам Республикасининг Хавфсизлик кенгашлири аппарати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари киритилди.

Йиғилишда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, қурол савдоси ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланishi, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш ва уюшган трансмилий хижоатчиликнинг бошқа шаклларига барҳам бериш масалаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Божхона билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш, давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш соҳаларидаги ўзаро алоқаларни фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Хавфсизликни таъминлаш, қўшма тараққиёт ва инфратузилма лойиҳалари, жумладан, Мозори Шариф — Хирот темир йўли ҳамда Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линияси қурилишини амалга ошириш; шунингдек, Кобул ва Мозори Шариф шаҳарларидаги ишлаб чиқариш корхоналари, марказлари, савдо уйлари хавфсиз фаолиятини

таъминлаш муҳимлиги қайд этилди. Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ганининг 2017 йилдаги расмий ташрифи доирасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда эришилган келишувларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

— Тошкентда бўлиб ўтган Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши мамлакатларимиз ўртасида хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликнинг манфиатли давомидир, — деди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Аҳмад Мансуров. — Йиғилишда икки давлат раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш, хавфсизлик соҳасида икки ва кўп томонлама ҳамкорлик масалалари юзасидан атофлича фикр алмашилди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги кўп қиррали ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг ижобий динамикаси қайд этилди. Транзит-транспорт, инфратузилма, савдо-иқтисодий, сармоявий, энергетика ва бошқа муҳим соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишдаги нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

(Давоми 2-бетда).

Олий мажлис палаталарида

Илмий-амалий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатда Буюк Британиянинг Вестминстер демократия жамғармаси делегацияси билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Меҳмонларга Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳақида атофлича маълумот берилди. Мамлакатда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳаларни жадал ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган Харакатлар стратегияси амалга ошириляпти. Хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Учрашувда икки палатали парламент, сиёсий партиялар фракциялари, қўмиталар, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент та-

ққотлари институти фаолияти тўғрисида маълумот берилди. Чет эллик мутахассислар жамғарма дастурлари ҳақида сўзлаб берилди. Қайд этилганидек, маъмурият жамғарма фаолияти, асосан, сиёсий партиялар ва парламентлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

Томонлар ҳамкорлик истиқболлари, жумладан, ахборот-таҳлилий материаллар алмашиш, қонун ижодкорлиги соҳасида халқаро тажриба ва илғор амалиётни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот тадбирларини ўтказиш масалаларини муҳокама қилишди.

Қобил ХИДИРОВ.

ТАДБИР

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Жанубий Корея ишбилармонлари иштирокида бизнес-мулоқот ўтказилди. Корея Республикаси Бош вазири Ўринбосари, стратегия ва молия вазири Ким Донг Ён бошчилигидаги делегация аъзолари иштирокидаги тадбирда меҳмонларнинг Ташқи ишлар, Савдо, саноат ва энергетика вазирликлари, ишбилармон доираларининг 60 дан зиёд вакиллари, шунингдек, юртимизнинг турли вазирлик ҳамда идоралари, компания раҳбарлари қатнашди.

Ишбилармонлар бизнес-мулоқоти

Қайд этилганидек, икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Бу борадаги алоқалар Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил ноябрь ойида Жанубий Кореяга амалга оширган давлат ташрифидан сўнг, янги босқичга кўтарилди.

Мазкур делегациянинг мамлакатимизга ташрифидан кўзланган мақсад ҳам икки давлат раҳбарлари учрашуви чоғида эришилган келишувларни рўйбоя чиқариш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан иборатдир. Эътиборлиси, республикамиз иқтисодиётида Жанубий Кореялик сармоядорлар жуда фаол. Бу алоқалар самараси сўнгги пайтларда энергетика, нефть-газ, таъ-

лим, ахборот технологиялари, машинасозлик, кимё саноати каби соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳаларда яққол акс этмоқда.

Фрурмада Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти ҳақида видеоролик намойиш қилиниб, республикамизда яратилаётган инвестициявий муҳит бўйича тақдирот ўтказилди.

Мулоқот чоғида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини атофлича муҳокама қилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўринбосари С. Холмурадов қатнашди.

Дилшод УЛУҒМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Метрода суратга олиш, учувчисиз учиш аппаратлари, электрон ҳужжатлар...

Чет давлатлар оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирларга бағишланган туркум материаллар эълон қилинмоқда.

Германиянинг нуфузли «Deutsche Welle» халқаро жамоатчилик телерадиокомпанияси сайтида Ўзбекистонда туризм соҳасига устувор аҳамият қаратаётгани ҳақида хабар берилган.

Анчадан бери мамлакат пойтахти метросида ҳамда ҳукумат бинолари ёнида сайёҳларнинг камерага суратга олиш тақиқланган эди, деб ёзилади нашрда. Давлат оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган Президент қарорига мувофиқ, агар қандайдир тақиқловчи ҳужжат бўлмаса, туристлар жамоат жойларида бирор-бир чекловларсиз суратга олишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, сайёҳларга фото ва видеоматериалларни тайёрлаш учун учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланишга рўхсат берилади. Илгари Тошкентда бунга рўхсат йўқ эди.

Шунингдек, янги қарорга асосан, транзит бўйича ҳаракатланаётган хорижий йўловчиларга келишлари билан 72 соат муддатга қисқа муддатли кириш визаларини бериш имконияти яратилмоқда, деб хабар берилади «Немис тўлкини» нашрида.

Сайёҳлар учун соддалаштирилаётган тартиб-таомилларни

Япониянинг «NHK» телерадиокомпанияси ҳам атофлича ёритди. Марказий Осиёдаги ушбу мамлакат раҳбарияти 39 та давлат фуқаролари учун виза олиш тартибини соддалаштирди. Етти мамлакат — Япония, Исроил, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Жанубий

Ўзбекистоннинг виза сиёсатидаги ўзгаришлар ҳақида Австралиянинг нуфузли «Lonely Planet» сайёҳлик нашрида ҳам хабар тарқалди. Республика раҳбарияти кенгайтирилган рўйхатдаги давлатлар учун виза режими бекор қилди, айни пайтда кўплаб мамлакатлар учун виза олиш имкониятларини соддалаштирди.

Ўзбекистон Буюк Ипак йўлидаги ёдгорликлари, жумладан, Самарқанддаги Регистон майдони, Бухоро сингари кўна шаҳарлари билан машур. Ушбу мамлакатда тезорат поезд қатнови йўлга қўйилгани, айниқса, тарихий шаҳарларда ёдгорликларни томоша қилиш учун йўлга сарфланадиган вақтни кескин қисқартириш имконини берди. Ўзбекистонда етти мамлакат билан визасиз режим ўрнатилиши, қарийб 40 давлат фуқаролари учун виза олиш тартиби соддалаштирилиши билан бир қаторда, ёзда электрон кириш визаларини бериш тизими ишга туширилади. Сайёҳлар интернет орқали тегишли ҳужжатларни расмийлаштириши, визани эса мамлакатга келгач, аэропортда олишида, деб ёзилади сайтда.

32 миллион нафардан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистон — минтақадаги энг йirik мамлакатлардан бири. Самарқанд, Бухоро сингари тарихий шаҳарлар ЮНЕСКОнинг бутунжапон мероси объектлари саналади. Ўтган йили Ўзбекистонга 9,5 минг нафарга яқин япониялик туристлар ташриф буюрди, деб ёзилади компания порталида.

Русия АЛИШЕРОВ тайёрлади.

ЭЪТИРОФ

Корея ва Туркия фуқароларига 30 кун мобайнида Ўзбекистонда визасиз меҳмон бўлишга рўхсат берилди.

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев 2016 йилда ўз лавозимини бажаришга киришиши биланқўшма республиканинг халқаро ҳамжамият учун очик бўлиши йўлида қатъий сиёсат олиб бормоқда. Янги қабул қилинган ҳужжатларда туризм ёрдамида иқтисодиётни янада жонлантириш мақсад қилинган.

32 миллион нафардан ортиқ аҳолига эга Ўзбекистон — минтақадаги энг йirik мамлакатлардан бири. Самарқанд, Бухоро сингари тарихий шаҳарлар ЮНЕСКОнинг бутунжапон мероси объектлари саналади. Ўтган йили Ўзбекистонга 9,5 минг нафарга яқин япониялик туристлар ташриф буюрди, деб ёзилади компания порталида.

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

Кластер усулига асосланган лойиҳа

Инновация — давр талаби. Бундай иш тутуми ҳар бир соҳа ривожини таъминловчи омил эканлиги бугун ўз исботини топмоқда. Шу маънода, Президентимиз томонидан юртимизда жорий йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб номланиши ҳамда ушбу йўналишда кўплаб дастурий вазифалар белгилаб берилгани нурли уфқларни очмоқда.



Айтиш жоизки, илғор ишланмалар тадбиркорлик соҳасида ҳам ҳаётий заруратга айланаяпти. Чунки ҳозирги кунда ишбилармонларимиз жаҳонга чиқиб, ташқи бозорларга жадал қилиб бораётир. Шундай экан, фаолият ҳам халқаро меъёrlарга мос бўлиши керак-да. Эътиборлиси, мамлакатимизда бундай тадбиркорлик субъектлари

кам эмас. Шулардан бири — пойтахтимиздаги «Global Invest Import» масъулия чекланган жамияти. Корхона жамоаси айнан замонавийликка уруғ бераётгани боис унинг «Premium Agro Product» бренди остидаги маҳсулотларига Австрия, Туркия, Германия, Бельгия каби давлатларда ҳам талаб тобора ортиб бораётир. Гап шундаки, мева-сабзавотларни

қуриб, қадоқлашга ихтисослаштирилган мазкур жамият маҳсулотлари харидорларга юз фоиз табиийлиги сақланган ҳолда етказиб берилади. Цехлар эса энг охири русумдаги ускуналар билан жиҳозланган. Бу амалга оширилаётган лойиҳанинг биринчи босқичи, ҳолос.

(Давоми 3-бетда).

Диний бағрикенглик — халқимизга хос фазилат

Ҳар тонг газета ўқиб, телевизор кўриб, кенг хабарлар оқимидан юртимиздаги ўзгариш ва янгиликлардан воқиф бўламиз. Айни пайтда дунёга ҳам назар соламиз. Ватанимиздаги ислохотлар, хушхабарлар дилимизни ёритса, жаҳон айвонида — айрим минтақаларда юз бераётган уруш-жанжаллар, террорчилик хурружлари, кўпоруқчилик, қонли тўқнашувлар, диний экстремизм ва бошқа низолар ҳамда уларнинг оқибатлари кишини чуқур ўйга солдиради.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Бундай хунрезликлар, нотинчликлар нега ҳеч бора ҳам топмапти? Кескинлик ўчоқлари қайси ўрнига нега қўйиб бормоқда? Албатта, бу каби нотинчлик ва беқарорликлар хавфидан ҳеч қайси давлат

ҳимоя қилинмаган. Шу боис ҳар бир мамлакат ўз сиёсатида тинчлик-осойишталикни сақлаш, хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор қаратади.

(Давоми 2-бетда).

Азизлари эъзозланган юрт

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Инсон мавжудотлар орасида энг азизи ва муқаррамидир. Зеро, Аллоҳ таоло ва таобар одам боласини жамики бунёд этилганлардан кўра улуг поғонага кўтариб, унга ақлу забон, онг ва тафаккур берди. Бу билан инсоннинг, инсонийлигининг даражасини баланд қилди. Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳам инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилгани билан бениҳоя қадридир. Негаки, бундай янгиликни ўзгаришлар ҳар биримизни эзгуликка, яхшиликка ундаётгани, одамлар қалбида меҳр-оқибат, ўзаро самимият уйғотаётгани туфайли янада ибратлидир.

МУНОСАБАТ

Жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг маънавий-маърифий йўналишдаги ташаббуслари, улуг алломалар меросини ўрганиш, тадқиқ этиш борасидаги эътиборлари ҳамда муқаддас ислом динимизнинг асл моҳиятини тарғиб қилишга доир азму шижоати барчамизга бемисл қувонч ато этаётир. Кейинги бир йилда илгари ҳаёлимизга ҳам келмаган ишлар бажарилди. Президентимиз ташаббус-

лари билан ташкил этилган Калом, Хадис, Тасавуф, Ақида, Фикҳ илми бўйича 5 та илмий мактаб фаолиятининг йўлга қўйилиши, Имом Бухорий, Имом Термизий номидаги марказлар бунёд этилиши, Ислам цивилизацияси маркази, Ислам академияси иш бошлаши — булар ихтимолий маънавий ҳаётимиздаги улкан бурилишлар.

(Давоми 2-бетда).

«Ақлли шаҳарлар»

алмисокдан қолган меъёрларни рад этади

«...Шаҳарларнинг бош режалари, қишлоқларда архитектура-режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш талабга мувофиқ жавоб бермайди, шаҳарсозлик қондалари ва қурилиш меъёрларининг аксарият қисми эскирган, собиқ тузум давридан қолиб кетган». Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 ноябрдаги архитектура ва қурилиш соҳасида

амалга оширилаётган ислохотлар натижаларига бағишланган йиғилишда айтган бу фикрларидан аён бўладигани, ҳар бир бино ўз асосий вазифасини бажаришдан ташқари, кўриниши билан одамларнинг кайфиятига ҳам бевосита таъсир қилади. Шу боис бой шаҳарсозлик ва мезморий анъаналар замонавий инновацион ғоя ҳамда технологияларга асосланиши зарур.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Дастлабки қадамлар

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан яқинда қабул қилинган «2018 — 2022 йилларда

аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур йўна-

лиш учун ўта долзарб ҳужжат бўлди. Негаки, унда белгилаб берилган вазифалар ижроси архитектура ривожига муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

Коллежларда ўқитиш тизими бутунлай янгича мезонга ўтказилмоқда

Мамлакатимизда 20 йил деганда илк мартаба ўрта махсус таълим тизими модернизация қилинмоқда. Ниҳоят, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимида йиғилиб қолган муаммоларнинг ечими топилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими маркази директори Муродулло ХОЛМУХАММЕДОВ қуйидагиларни гапириб берди.

БУГУННИНГ ГАПИ

— Ўзбекистонда касб-хунар коллежларида таълим тизими ўзгариши, бу айни дамда фаолият юритаётган коллежларнинг «ёппасига ёпилади», дегани эмас. Президентимизнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомил-

лаштиришга оид қарориди коллежлар вазирликлари, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ҳамда йirik корхоналарга бириктирилиши белгилаб қўйилган.

(Давоми 3-бетда).

Ёшлар форуми

Мамлакатимизда Ўзбекистон — Россия ёшларининг иккинчи форуми бошланди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Россия ёшлар иттифоқи ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Англошув мемурандумига мувофиқ ташкил этилган ушбу анжуман 12 — 18 февраль кунлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказилади.



Хосрон ПАЙДОНОВ ошди. сурат.

АНЖУМАН

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашида уюштирилган форумнинг очилиш маросимида икки мамлакат делегациялари аъзолари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, иқтисодий ёшлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши раиси Қ. Куронбоев, Россия ёшлар иттифоқи раиси Павел Краснорудский ва бошқалар навиқрон авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етказиш ҳар қайси мамлакатнинг эртанги кунини бел-

гилаб берадиган, жаҳон ҳам-жамиятидаги обрў-эътиборига таъсир этадиган долзарб масала эканини таъкидлади.

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида келажгимиз ворисларини билимли, маънавияти юксак, жисмонан бақувват, ақлан етук қилиб тарбиялаш билан бирга, қалбларида миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик туйғулари қарор топтиришга, уларни дўстлик, ҳамжиҳатлик, иноқлик руҳида уйлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди.

Ўзбекистон — Россия ёшлари форуми икки давлат ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада қу-

чайтириш, дўстона муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

— Ушбу тадбир россиялик тендошларимиз билан танишиш, уларнинг қизиқиши ва дунёқарашини ўрганиш, ўзаро билим ва таъриба алмашиш имконини беради, — дейди Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти Дилрабо Чоршабиёва. — Ёшлик ва дўстлик байрами ёрқин таассуротлари билан хотирамизда бир умрга муҳаббатни қилишига ишонаман.

Форум доирасида икки давлат ёшлари ўртасида ўзаро мулоқот, таъриба алмашиш

муҳитини яратиш, тадбиркорлик, туризм соҳаларини ривожлантириш истиқболлари, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни қучайтириш бўйича қатор дастурларни муҳокама этиш мўлжалланмоқда. Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг технопарки ва Ёшлар ижод саройига таъриф буюради. Ёш ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар сиёсатида фан ва таълимнинг ўрнини қучайтириш каби мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилади.

Дилшод КАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Диний бағрикенглик — халқимизга хос фазилат

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама қучайтиришимиз шартлигини алоҳида таъкидлади. Бу борада, аввало, шу йўналишда шакланган тизим самардорлигини янада ошириш, айниқса, диний масалалар билан бевосита шугулланганидан ҳоким ўринбосарлари, мутаассадди ташкилотлар масъулиятини янада қучайтириш зарурлигини қайд этди. Хусусан, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари — барча-барчамиз биргаликда иш олиб боришимиз лозимлигини билдирди. Дарҳақиқат, ишбу шу тарафда ташкил қилсак, ҳар биримиз бу масалага беварқ бўлмамасдан, ўз боламизни, ўз уйимизни, ўз маҳалламизни ўзимиз асарлайдиган бўлсак, бундай бало-қазолар ҳаётимиздан йироқ бўлиши, шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, диний экстремизм гояларни таъсирга адашиб тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш бўйича ишларни янада такомиллаштириш давр талабиغا айланмоқда. Айни пайтда ахборот ресурслари орқали тарқатилган бузғунчи гояларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофа-

за қилиш органлари таркибида алоҳида бўлиналар ташкил этиш зарурати юзга келаяпти.

Бағрикенглик ўзгалар динига ва маданиятига ҳурмат билан қараш, уларни англаш, демокдир. Биламизки, жаҳолатга қарши маърифат билан курашган одам ютади. Шу боис ҳам жуда кўп миллат ва элат вакиллари яшайдиган мамлакатимизда диний бағрикенглик таомиллари сўзда эмас, амалда таъминланган, миллатлараро тотувлик мустаҳкам қарор топган. Ватанимизда турли динларга эътиқод қилувчи миллат вакиллари бир осмон остида, бир заминда тинч-тотув, аҳил-иноқ, баҳам-жиҳат яшамоқда. Бунёдкор гояларни рўйбга чиқариш йўлида фидокорона меҳнат қилаяпти.

Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ана шу фазилатлар Мурожаатномада ҳам ўз аксини топган. Президентимиз қайд этганидек, «жамиятимизда диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатлик ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш биз бундан бундан энг долзарб ва эзгу вазифамиз деб биламиз. Шу мақсадда мамлакатимиздаги диний ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилади». Чиндан ҳам, халқимиз азал-азалдан бундай қадриятларга, миллатларга санимийлик, дўстона ҳурмат билан қараб келган. Ҳадиси шарифларда, муқаддас китобларда бу борада жуда кўп ҳикमतлар баён қилинган. Биз ана шу ҳикматлар замиридаги моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшларимизга етказса олак, мағзини

чақишни ўргатсак, ҳеч ким тўғри йўлдан адашмайди. Миллатлараро дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланади.

Андихон виллоятимизда ҳам турли динларга эътиқод қилувчи миллат вакиллари бир оила аъзоларидек аҳил ва ҳам-фикр бўлиб яшамоқда. Ўтган йили виллоятимиз марказидаги Рус православ қабристонини обод қилинди. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри губернатори виллоятимизга таърифнома билан қўриб қабристонда олиб борилган эзгу ишлар билан танишар экан, Ўзбекистонда ўзга миллат ва дин вакиллари билан мангу қўни топган маконлари ҳам юксак қадр-қадрият, эътиборда эканини қўриб қувонди. Бағрикенг ўзбек халқига қайта-қайта миннатдорлик изҳор қилди. Бундан ташқари, виллоятимизда фаолият олиб бораётган мусулмонлар, христианлар, католиклар, яҳудийлар, корей протестантлари, арман апостол черкови вакиллари, умуман, барча дин вакиллари ўз эътиқоди эркинлигини фойдаланиши, ибодатини амалга ошириши учун ҳамма шароит яратиб берилган.

Зеро, диний бағрикенглик аҳоли ўртасида тинчлик ва тотувликни янада мустаҳкамлайди. Турли дин вакиллари-нинг ўзаро ҳурмат ҳамда ишончини оширади.

Тожибар ЮЛДАШЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Андихон виллояти
Хўжаобод тумани
«Шаҳрихонсой» МФЙ раиси.

Қўшма комиссия йиғилиши

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Икки давлат раҳбарларининг 2017 йил декабрь ойидаги учрашуви мамлакатларимиз ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берди, — деди Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Ханиф Атмар. — Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон Қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши яқинда бўйича эришилган натижалар эса Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида келгусида стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ўзаро муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Йиғилишда Афғонистон ва Марказий Осиёда узоқ муддатли барқарорликни таъминлашда тинчлик, изчил тараққиёт ва хавфсизлик масалаларининг узвий боғлиқлиги таъкидланди. Шу жиҳатдан Марказий Осиёда тинчлик, ҳамкорлик ва фаровонлик ҳудудини яратиш мақсадида минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда афғон муаммосини ҳал қилишининг сиёсий-дипломатик воситаларидан янада самарали фойдаланиш орқали Афғонистонни қўллаб-қувватлаш муҳим экани қайд этилди.

Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон Қўшма комиссиясининг илк йиғилиши яқинда бўйича тегишли протокол имзоланди.

Ў.З.А.

ДИЛ СЎЗИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни пойтахтимизнинг бир неча туманларида бўлиб, амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди. Халқ билан мулоқот чоғида ислохотлар самаралари, келгуси режалар хусусида сўз борди.

Давлатимиз раҳбари томонидан Тошкентнинг қиёфасини замонавийлаштириш, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратиш, одамларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш бўйича мутаассадиларга аниқ вазифалар берилдики, бунинг кенг жамоатчилик вакиллари, халқимиз жуда катта хурсандчилик билан қутиб олди.

Аҳоли манфаатларига йўғрилган бунёдкорлик

Зафар МАҲАМАТОВ,
«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли
«Қўриққурилиш» трести унитар корхонаси бошқарувчиси:

— Айни пайтда ҳамюртларимизнинг узоқини яқин, оғирини эса енгил қилувчи, шаҳардаги энг асосий тармоқ — метро қурилишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Юртимизнинг Тошкент метрополитени Юнусов йўналишидаги қурилиш ишларининг 2-босқичини қўздан кечириб, уни мустаҳкам бунёд этиш, айниқса, фуқароларга қулайликлар яратиш бўйича тавсия ва кўрсатмалар берди.

2019 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган ушбу янги йўлнинг узунлиги — 2,9 километрга тенг бўлиб, у замонавий ва миллий аъёнлар асосида юксак дид билан бунёд этилмоқда.

Бугунги кунда қурилиш ишларига

200 дан ортиқ илчи ва муҳандислар, 40 та замонавий техника воситаси ва механизм жалб этилган, қолаверса, Германиядан ер ости туннелини қазийдиган комплекс, бургилаш ва темир-бетон қозғоқ қозғиш техникаси, ГФР ва Хитой кранлари олиб келингани ишми-за самардорлигини оширишда асқатади.

Президентимиз Сергели туманидаги янги ер усти метроси қурилиши билан танишар экан, ушбу объектининг пастки қисмида махсус велосипед йўлакларини ташкил қилиш, унинг атрофини қўқалам-зорлаштириш бўйича кўрсатма берди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилувчи ушбу эзгу ташаббус барчани қувонтирди.

зиш, 59 тасида пойдевор қўйиш, блок тегири ва металл ишлари бажарилаётди. Қурилишга малакали мутахассислар ҳамда махсус техника воситалари жалб этилгани ишми-за сифатини таъминлаётди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида ўз эгаларига топширилиши режалаштирилган мақур уй-жойлар атрофида умумтаълим мактаблари, дам олиш жойлари, қўқалам-зорлашчилар, автомобиль тураржойлари ва бошқа инфратузилма объектлари қурилиши қўзда тутилган.

Масив аҳолиси яратиб берилаётган қулайликлардан миннатдор. Бу эса Юртимизнинг раҳнамолигида олиб борилаётган ислохотлардан халқ рози эканлигиндан далолатдир.

«Халқ сўзи» мухбири
Раҳим ШЕРҚУЛОВ ёзиб олди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кузатаяғимиз, кўраяғимиз, Юртимизимиз қаерга борсалар, табаррук манзиллар, азиз-авлиёларимиз макон топган қадамжоларни зиёрат қилиб, бундай масканларни авайлаб асраш, янада обод этиш ҳақида кўрсатма ва топшириқлар бераётганлар. Бундан фарланганасан, хурсанд бўласан, киши.

Кувонмай бўладими, ахир қарийб унут бўлаётган қадриятларимиз тикланаяпти, бутун умрини илму маърифат, дину динбат йўлига бахшида этган бобоқалонларимиз, устозларимиз, хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Хусусан, давлатимиз раҳбари ўтган ҳафтада пойтахтимизда амалга оширилган ишлар билан танишиш асосида Чилонзор туманидаги масжид ҳам бўлиб, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номларини юксак ҳурмат билан тилга олди. Марҳумнинг хаёти ва фаолияти ҳақида тўққизла-бир фикр билдирдилар. Дарҳақиқат, таъкидлаганидек, устозимиз 1989 йилда, жуда қийин ва мураккаб даврда Ўрта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий бўлди. «Бу давр исломий илмлар, диний қадрият ва аъёнлар қайта тикланган давр сифатида тарихимизда алоҳида ўрин тутди, — дедилар Президентимиз. — У кишининг дунё мусулмонлари ўртасидаги обрў-эътибори жуда баланд эди. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўзининг илми, сўзи ва ибратли амаллари билан ола-Ватанга, динимиз раванкига чин дилдан ҳалол хизмат қилиш бўйича катта бир мактаб яратиб кетдилар,

Азизлари эъзозланган юрт

десақ, тўғри бўлади. У кишининг илм ва ҳаёт йўли, бой меросини ўрганиш ва халқимизга етказиш — барчамизнинг бурчимиздир».

«Мен у киши билан кўп суҳбатлашганман, — дедилар Юртимизимиз ва Ҳазратимизнинг кўп китоб ўқимаган одамнинг маънавияти паст бўлишини таъкидлаганларини эсладилар. «Шу мас-жидга Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номи берилди, бу ерда у кишининг музейларини қилмасин, у кишига тегишли ҳамма нарса шу ерда туради», деганлари эса ҳақиқий олиханоблик бўлди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам муфтий, ҳам собиқ Иттифок Олий кенгаши депутати сифатида ҳуқуқатта мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, улар учун зарур шароитлар яратиш масалалари кўтарилган махсус байнома тақдим этган.

Мустабид мақура ҳукмрон бўлган ўша оғир замонда бундай ташаббус билан чиқиб, ҳеч шубҳасиз, катта жасорат эди, деди Президентимиз. Бунинг натижасида шуро ҳуқуқатининг мусулмонларга нисбатан сиёсати ўзгарган, масжид ва мадрасалар очилган, Ҳаж зиёратига борувчилар кўпайган. 1990 йилда Марказий Осиё республикаларидан 500 нафар мусулмон Тошкент шаҳри орқали Ҳаж зиёратига боришга муваффақ бўлган эди. Агар ўша даврда бутун собиқ Иттифок

дорлик мактублари, сайтлар, ижтимоий тармоқлар орқали билдирилган фикрлар ул зотга бўлган улкан меҳр-муҳаббат, ихлос тўғрисида бўлди.

Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ўз умрини маърифатга бахшида этдилар. У кишининг диний ва дунёвий билимлари, ахлоқлари ҳавас қиларди даражада муқаммал эди. Кўчдан-кўп панду насиҳатлари, амиру маъруфларини эшитиб, тақорр сўз айтмасликларидан, ҳар доим гўзал мисоллар орқали қалбни тўққилантирадиган ҳолда мувоҳза юритишларидан ҳайратланарди. Мана шундай улғу инсонларни тарбиялаган халқимиз борлигидан гурула-нишимиз керак.

Бинобарин, шу кунларда қандай маросимда бўлиб, ким билан учрашмайлик, юртдошларимиз Президентимизнинг бундай ташаббусидан ниҳоятда мамнун эканликларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Отахону онахонлар, нуронийлар Шавкат Мирзиёевни дуо қилиб, хамиша соғсаломат бўлиб юришларини Аллоҳдан сўрамоқдалар. Уларнинг фуқароликларига, дил сўзларига қулқ тутиб, кўнгил ярайди.

Шайх Саъдий айтдилар: «Бир гулни эъзозласанг, улкан бог яратишдек сабоқ оласан». Ниятимиз, мана шундай сабоқли амаллар кўпаяверсин, жонажон Ўзбекистонимиз ҳар томонлама тараққий топаяверсин.

Анвар ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар
бош имом-хатиби.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

«Ақлли шаҳарлар»

алмисоқдан қолган меъёрларни рад этади

Ҳозирги кунда дунё шаҳарсозлигидаги иқтисодий, иқтисодий ва экологик мувоза-натни ўзига муваассаллаштирган «барқарор шаҳарсозлик» йўналиши «Ақли архитектура» ва «Ақли шаҳар»ни юзга чиқарди. Мамлакатимизда меъморчиликни илғор соҳага айлантириш борасида кейинги бир йил ичда дадил қадамлар қўйилди. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси таркибий тузилмаси тубдан такомил-лаштирилиб, лойиҳа ташкилотлари, илмий муассасалар очилди. Аҳолини тураржой билан таъминлаш мақсадида қурилиш иш-ларига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратилди. Бундан ташқари ишлаб чиқариш объектларига айлантирилиб, маҳаллар тузилмаларидаги ўзгаришлар миллий меъморчиликимизда янги қараш-ларни юзга келтирди.

Бош режа пухта бўлиши керак

Мамлакатимизда қисқа муддат ичда 10 минг 431 арзон уй-жой фойдаланишга топширилди, шаҳарларимизда айни кун-ларда 7 минг 919 хонадонга ага 191 кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Бундан ташқа-ри, янги тартиб-таомиллар асосида саннат қорналари, иқтимоий инфратузилма объектлари барпо этилиши билан бир қаторда, фойдаланилмай келинаётган ишлаб чиқариш объектлари модернизация қилиниб, эркин иқтисодий зоналар шакл-лантирилмоқда.

2010 йилда республикаимиздаги мавжуд шаҳарлар сонини 119 тани ташкил этган бўлса, яқинда улар сафига Тошкент вилояти ҳисобидан яна 4 та шаҳар қўшилди. Мавжуд 1081 шаҳар посёлкалари — ша-ҳарчаларнинг 207 таси, яъни атиги 17 фо-зи бош режага ага бўлса-да, меъморий ривожланиш эҳтиёжларини тўла қонди-рмайди. Ваҳоланки, бундай режалар ишлаб чиқилишида бир неча юз миллион, баъзи-да миллиардлаб маблағ сарфланади.

Шу ўринда «Бугунги жадал ривожла-ниш даврида 25 йилга тахминан прогно-з қилинган бош режалар керакми?» деган савол туғилади. Бундай режаларда лой-ҳалаштирилган ҳудудларда ер ости сувла-рини қочириб, канализациялаш, тураржой фондини аниқлаш, хизмат кўрсатишни меъ-ёрлаш ишлари белгиланган муддатда ба-жарилмай қилиб кетаверади.

Мавжуд регламента кўра, бош режа-лар тегишли экспертиза, муҳокама ва ке-лишувлардан сўнг белгиланган тартибда тасдиқланса-да, унинг ҳаётий кунга эга бўлиши учун мавжуд тартибга биноан, қўшимча равишда аҳоли пунктининг ҳудуд чегаралари (қизил чизиқлар) лойиҳаси ало-ҳида буюртма асосида ишлаб чиқилиши лозим. Нуфуси 20 мингдан ортиқ бўлган аҳоли пунктлари учун алоҳида объектлар қурилишини ўзида акс эттирувчи муфас-

сал режалаштириш лойиҳаси ишлаб чиқ-илиш мақсада мувофиқлар. Одатда бош режаларда янги эҳтиёжлар асосида қури-лиши юзга келиши мумкин бўлган қичи-ва ўрта бизнес объектлари ўз ифодасини топмайди. Чунки мавжуд шаҳарсозлик қондалари уларнинг меъёрларини аниқлаш имконини бермайди.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмаларида шаҳарсозлик ва қурилиш қондаларини ян-гилаб, ихчамлаштириш бўйича дастур ишлаб чиқиш, аҳоли пунктлари бош режа-си борасида уч йиллик дастур тайёрлаш уқтирилган. Мавжуд 1446 та овул ва қишлоқ фуқаролар йиғинининг маҳалла фуқаролар йиғинларига бирлаштирилганлиги, алоҳи-да ҳудудларда юзлаб намунавий ва арзон-лаштирилган уйлاردан ташкил топган янги маҳалла ҳамда тураржой мавзеларининг бунёд этилганлиги ҳам бош режасозлик соҳасида нақадар улкан амаллар турган-лини кўрсатади. Бунинг асосида ишчиликни ягона йўли ахборот технологиялари — ин-терфол воситаларини қўллаб, аҳоли пункт-лари бош меъморлари, лойиҳа ташкилот-лари, жойлардаги статистика ва иқтисо-диёт бошқармалари мутахассислари иш-тирокида уч-беш йилга мўлжалланган қисқа муддатли концептуал ривожланиш бош ре-жалари схемаларини ишлаб чиқиш ҳисоб-ланади. Бу меъморчилик соҳасидаги ке-

чиктириб бўлмас долзарб вазифадир.

Ҳозирги пайтда «индустриал шаҳар» деб номланган алмисоқдан қолган бош режа-лар лойиҳалаш усулидан тезда воз кечиш-ни талаб этамоқда. Мавжуд қонунчиликда Ўзбекистонда аҳолиси 7 миңдан кам бўлмаган ҳудуд шаҳар сифатида эътироф этилади. Шаҳарсозлик кодексиде 50 миң-гача аҳоли қичиқ шаҳарларни, 100 — 100 миң аҳоли урта шаҳарларни, 500 — 250 миң аҳоли катта шаҳарларни, 250 миң-дан 1 миллионгача йирик ва 1 миллион-дан ортиқ аҳоли энг йирик шаҳарларни ташкил этади.

Собиқ шўролар давридан қолган бу та-бақалашдан воз кечиш керак. Негаки, биз-да 25 миңга яқин аҳоли бўлган маскан-лар кўп. Қолаверса, шаҳарларнинг туман, виллоят, республикага бўйсунувчи тушун-чалари шаҳарсозлик учун бугун керакмики?

Собиқ шўролар давридан қолган бу та-бақалашдан воз кечиш керак. Негаки, биз-да 25 миңга яқин аҳоли бўлган маскан-лар кўп. Қолаверса, шаҳарларнинг туман, виллоят, республикага бўйсунувчи тушун-чалари шаҳарсозлик учун бугун керакмики?

даш шаҳарлар замонавий барқарор шаҳарсозлик тамойилларига мос келиб, инсонпарварлик, энергосамардор, экологик мувозабатни шакллантиришга хизмат қилади.

Масалага шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, соҳада илмий-методик салоҳи-ятни ошириш кечиктириб бўлмас масала эканлигини ойдинлашди. Сабаби, рес-публикаимизда атиги 8 нафар архитекту-ра фанлари доктори фаолият кўрсатмоқ-да. Уларнинг 6 нафари олий таълим му-ассасасида, 2 нафари эса Ўзбекистон Фанлар академияси таркибидеги илмий та-дқиқот институтларида ишлайди. Бу олимларимизнинг ўртача ёши 70 дан ошган. Демак, шаҳарсозлик ва архитек-турани ривожлантириш учун унинг илмий-методик базасини шаклланти-риш йўллариини излаш, архитектура академиясини ташкил этиш мақсадага мувофиқдир.

Кўп қаватли уйлارнинг пастки қават-ларда савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш билан бирга, мактабга таълим муас-саларини ва оилавий поликлиникалар-ни қўйиб лойиҳалаш янги «Ақли ша-ҳар» гоисини ривожлантириш талаб қилади.



тириш усулидан воз кечиб, «ақлли» го-я ва композицияга асосланган аҳоли пунктларини лойиҳалаш вақти келди. Бу-нинг учун бош режаларни тузиш ус-лубияти тубдан янгилаштириш, унинг тарки-би ва амал қилиш муддати устида ўйлаб, қўёш энергияси, дарё, сой ва каналла-римиздан энергия олиш хусусида бош қотириб керак.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охирида қурилиш индустриал асога-га кўчириш соҳасида қилинган ҳарақат-лар меъморчилик санъатини тўлиқлиги-ча қурилиш технологиясига тобе қилиб қўйди. Бунинг таъсирдан ҳалос бўлиш учун миллий меъморчиликимизнинг қадимий аъёнларини, обрў-эътибори-ни қайта тиклашга эҳтиёж туғилади.

Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
архитектура фанлари доктори,
профессор.

Коллежларда ўқитиш тизими бутунлай янгича мезонга ўтказилмоқда

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Юртимиздаги касб-хунар коллежларининг келажақдаги кифоаси ҳақида гапиришдан аввал, келинг, иқтисодиёти у қадар ривожланмаган мамлакатдан қисқа вақт ичида юқори технологиялар давлатига айланган, ишбу соҳада катта муваффақиятга эришган Жанубий Корея, Финляндия ва Сингапур тажрибасини эсга олсак. Мазкур мамлакатлар ўз таълим тизимида тўғри ўзгартирилган киритгани, бу соҳада оқилона сиёсатни олиб боргани учун ҳам шундай даражага чиққан. Улар ўқитувчиликка истеъдодли кадрларни жалб қилиш мақсадида педагогларнинг маоши ва обрўсини кескин оширган эди.

Таълим борасида энг илгор хорижий тажрибаларни ўрганиб, амалда қўллашни режалаштирган ўзбекистон ҳам ана шундай теозор ривожланиш йўлини танламоқда.

Айтиш жоизки, коллежлар вазирилик ва идоралар, буюртмачи иш берувчи корхоналар ва ташкилотларга бириктирилади. Ҳар битта тайёрлов йўналиши бўйича ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилади, миллий квалификация рамакалар белгиланади ҳамда касбий стандарт ишлаб чиқилади. Профессионал стандарт маъноси шуки, дейлик, битта иш ўрни ишчидан қандай малака ва қўнимчаларни талаб қилади, ушбу ҳолат ўрганилиб, шу асосда модулли ўқув режалари юзага келади.

Таълим жараёни эса доимий равишда такомиллаштирилиб

борилади. Бундан мақсад — касб-хунар таълими тизими иқтисодиёт ривожланишининг муҳим компонентига айланиши. Яъни юқори малакали ишчи, касб эгалари, иқтисодиётнинг ўрта бўғини мутахассислари тайёрланади.

Айни дамда иқтисодиётда беш мингдан зиёд касб ва мутахассисликлар учун касб таълими бўйича маълумот талаб этилади.

Ҳозиргача коллежлар фақат кундузги таълим шаклига эга эди. Эндиликда коллежларда кундузгидан ташқари, сиртки, масофавий ва ўйғунлаштирилган таълим йўналишлари йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқиш муддати касбларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, 6 ойдан 2 йилгача муддатда ихтиёрий этиб белгиланади. Яъни эҳтиёж туғилгани, келиб ўқиб кетавериши имконияти яратилди.

Коллежларда таълим инновацион технология жараёнига ўтказилади. Яъни илгарилари, анъанавий таълим жараёнида дарсга қирилган, ўқувчи билан айланиб айтилган айтилган бўлиб, китобдан бошқа қўлланма бўлмаган. Бундан бу ёнга эса бундай ҳолатлардан воз кечилади. Замонавий коллежларда ўқув материаллари касбга ўрганувчида таъсил уйғотиши учун визуаллаштирилади, видеоқўрсаткич йўлга қўйилади (ўқувчи хоҳлаган вақтда ўтилган дарсни қай-

тадан кўриши мумкин бўлади), видеоинструкторлар таълим жараёнига киритилади (дарсда бирон сабаб туфайли қатнаша олмаганлар учун бу катта қўлайлик туғдириши турган гап).

Шунингдек, виртуал амалий машғулотлар, мультимедиа ресурслари яратилади, виртуал лабораториялар ташкил қилинади.

Эндиликда коллежларда қаттиққўл, "менинг айтганим бўлади" дейдиган педагоглар ўрни инсоннинг ёшига қараб, унинг салоҳиятини белгилай оладиган, таълим олиш жараёнида унга ҳамроҳлик қиладиган "ўқитувчи-андрагог"лар эгалланади. Уларнинг маҳорати ва салоҳиятини ошириш мақсадида янгитдан ташкил этилган инновацион ривожлантириш институтлари махсус мақсадли ўқув курслари, семинар-тренинглари, масофавий ҳамда онлайн курслар ташкил этилади.

Бошқача айтганда, бундан бундан коллежларда ўқувчилар ва танланарварлик руҳида ва профессионал касб эгалари қилиб тарбияланади.

Яна бир жиҳат. Таълим дастурлари тоифаларига боғлиқ бўлади: 50 дан ортиқ касбларга тайёрлаш таълим дастурлари 10-11 синфларда таълим олиш давомида ўргатилади ва тўлиқ Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Юқори технология тайёргарлик талаб қиладиган 6 ойдан 1 йилгача бўлган касбий таълим дастурлари буюртмачи иш берувчи корхоналар, идора ва ташкилотлар томонидан молия-

лаштирилади. Буюртмачиси бўлмаган шахслар ўзларининг шахсий жамғармалари ҳисобидан тўловни амалга ошириши мумкин.

1,5-2 йиллик мутахассисликни эгаллаш бўйича ўрта махсус ўрта бўғин таълим дастурлари олий таълимга муқобиллик асосида бир қисми грант ҳисобидан, бир қисми контракт ҳисобидан амалга оширилади.

Келгусида коллежларда стипендия, озик-овқат, кийим-кечаклар билан таъминланиш масалалари коллежни сақлаш харажатларини қоплайдиган вазирилик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, тижорат банклари имкониятлари доирасида белгиланади.

Иқтисодий жиҳатдан барқарор вазирилик, идора, компаниялар, йирик иш берувчилар ўзларининг акциядорлари, ички имкониятлари доирасида ўқувчилар учун қўшимча стипендия ва шу каби қўллаб-қувватлашларни амалга оширишлари мумкин.

Технология янгиликларни таълим тизимида киритиш — таълим тизимини хозирги даврнинг энг қизиқарли жараёнидир. Таълим тизимида киритилган янгиликлардан бирига айланганда, бу шубҳасиз. Демак, таълим соҳасидаги слоҳотларни ўз таъриқиёт стратегияси, ички сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилаб олган ўзбекистон қин келажақда таълим тизими билан ҳам дунё эътирофига сазовор бўлишига ишонамиз.

«Халқ сўзи» мухбири Мақсуд ЖОНИХОНОВ ёзиб олди.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

Ҳар йили қиш мавсуми бошланиши билан Пайариқ тумани марказидаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчилари ва ота-оналарнинг кўнглига гулгула тушади. "Синфхоналар совуқ, болаларимиз шамоллаб қолмасмикан?" деган хавотир гулгула кучаяди.



Хавотирга ўрин йўқ

Туман, ҳатто вилоятдаги газ идораларига иссиқлик таъминотидаги муаммо бўйича йиллар давомида қилинган мунозабатлардан натижа бўлмади.

— Утган йили 15 нафар ота-она ўзбекистон Республикаси Президентининг Пайариқ туманидаги Халқ қабулхонасига ариза ёзди, — дейди фуқаро Фазилат Юсупова. — Шикоятимиз обдан ўрганиб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Мана, ҳозир синфхоналар иссиқ. Газ босими талаб даражасида. Фарзандларимиз энгил уст-бошда,

қўлай шароитларда дарсларда катнашмоқда. Бундан устоз-мураббийлару ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам мамнунмиз.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йил январь ойда Пайариқ тумани Халқ қабулхонасига келиб тушган аризалар сони 159 тани ташкил этди. Шундан 35 таси қаноатлантирилди, 57 тасига тушунтириш берилган, 65 та мунозабат эса ҳал қилиш учун тегишли ташкилотларга жўнатилган.

Мамадӣр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Аслида қарздор ким?

Бир миллион 150 минг сўм! Емаган сомсаси учун ким ҳам шунча пул тўласин?! Боз устига, масъулиятли бир инсонни айбдорга чиқариб ўтиришса-я...

Ховос туманининг Зиёкор маҳалласида истиқомат қилувчи Эргаш Алибеков электр энергиясидан қарздорлиги ҳақидаги хабарномани англашлмоғичлик туфайли жўнатишибди, деб ўйлаганди. Чунки пулни ҳамisha ортиги билан тўлашга одатланган. Аммо ҳақиқини исботлаши учун 1 ойдан зиёд вақт кетди. Туман электр тармоқлари корхонасига икки марта тўловларни амалга оширганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганига қарамай, масала узил-кесил ҳал бўлмади. Бундан ташқари, хонадон «қарздор» бўлганлиги учун электр тармоғидан узиб қўйилди. Ойласи эса қишининг узоқ тунарлини шам нуринда ўтказишга мажбур бўлди.

— Шу масала юзасидан ўзбекистон Республикаси Президентининг Бобўт туманидаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилдим, — дейди Э. Алибеков. — Шукрки, мазкур идора аралашувидан сўнг электр тўловидан қарзим йўқлиги тасдиғини топди. Аксинча, электр тармоқлари корхонаси таъминот бўйича 15 минг сўм қарздор эканлиги маълум бўлди. Адолат қарор топганидан хурсандман.

Аҳмадәли ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жарима беш баробар камайтирилди

Чорвадор маҳалласида яшовчи Дилмурод Бобожонов Маъбурий ижро бюросининг Чиноз тумани бўлиминдан келган талабномани ўқиб ҳайрон қолди. Энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдорда жарима тўлаши лозим! Бирор марта огоҳлантириш олмаганига ишонч ҳосил қилиб, суд қилган бу қарордан ажабланди...

Гап шундаки, бундан олти ой муқаддам хавфсизлик камарини тақмай автомобилни бошқаргани учун ҳайдовчини йўл-патруль хизмати ходими тўхтади, расмийлаштирилган деб қайднома тўлдирган эди. Битта имзо билан иш битганидан хурсанд бўлган Дилмуроднинг қувончи кимматга тушди. Белгиланган жарима миқдоридан норози бўлган фуқаро ўзбекистон Республикаси Президентининг Чиноз туманидаги Халқ қабулхонасига мурожаат қилди. Масала белгиланган тартибда кўриб чиқилган, жарима беш баробар камайтирилди. Айбдорларга нисбатан чора қўрилиши юзасидан мутасаддиларга тақлиф киритилди.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

Кластер усулига асосланган лойиҳа

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Эндиликда ҳамият мутасаддилари ҳосилини ёшлатиришдан тортиб, экспортга тайёрлашга бўлган жараёни зиммасига олаётти. Яъни тадбиркорлик субъектида кластер усули жорий қилинмоқда. Шу мақсадда Тошкент вилоятдан 250 гектар

ер олинди. У ердан илк ҳосил эса шу йилнинг март ойида тўланади. — Европа минтақаси давлатларида саримсоқпийёз, турли кўкатларга талаб юқори, — дейди ҳамият раҳбари Нейматулло Ҳасанов. — Шунинг учун дастлаб уларни етиштиришни йўлга қўйдик. Тез орада сабзавот-

лар экамиз. Мевали боғ ҳам ташкил қилинади. Корхона жамоаси шу йилнинг март ойигача 3 минг тонналик универсал совитиш мажмуасини бунёд этиш ниятида. У орқали нафақат цехлар харорати, балки мева-сабзавот ва кўкатлар, қисқача айтганда, ҳар бир маҳсулот олти ой-

дан бир ярим йилгача сарҳил ҳолида сақланади. Лойиҳанинг учинчи босқичида бача қилшқ ҳўжалиги маҳсулотларини теозор музлатувчи замонавий линия харид қилиб ўрнатиш мўлжалланган. Натижада узум, қовун, ўрик, қулупна, шафтоли сингари маҳсулотларни Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларга сотиш имконияти яратилади. Бу ҳам амалга ошиши турган гап. Чунки юртимиз заминидан етилган ширин-шакар меваларимизга дунё миқёсида талаб юқори, буюртмалар кўп. Корхона жамоаси томонидан жорий йил учун 1 миллион долларлик экспорт шартномаси имзолангани ана шундан далolat беради. Мухими, «Ўзбекистон озиқовқатхолдинг» холдинг компанияси тизимида бундай лойиҳалар кўллаб амалга оширилмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Боқтиёр АКРАМОВ олган суратлар.



Замонавий иссиқхона

Тадбиркор Зокир Давлатов томонидан барпо этилган замонавий иссиқхонада экинларга зарур озуқа шприц орқали берилади.

ИНТИЛИШ

— Мажмуамиз Жанубий Корея технологияси асосида ишлайди, — дейди Ромитан туманидаги «Қаҳрамон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор. — У экинни инновацион усуллардан фойдаланган ҳолда парвартиш қилади. Зарур ҳарорат тўхатирилган беш-олти катор тортилган қувурлар эмас, балки ихчам радиаторлар орқали таъ-

минланади. Бу табиий газ ва сувни уч баробаргача тежаж имконини беради. Хаво алмашинуви яхшиланади. Натижада помидор нихолларининг илдизи чириши ҳамда замбуруғ касалликларига чалиниш эҳтимоли камаяди. Иссиқхона том қисмидаги оқ парда газ босими пайсаянгида хароратни меърида сақлаб туришда асқатади. Қора пар-

да эса қўшли кунларда экинни офтоб нурининг тик тушишидан асрайди. Бундан ташқари, биз, ҳатто томчиллаб суғоришдан ҳам кўра қўлай ва фойдали бўлган усулни қўллаяпмиз. Яъни экинга керакли озуқа унинг илдизи ўзагига шприцлар воситасида берилаяпти. Бу ҳосилдорликнинг ошишига хизмат қилади.

Айтиш керакки, айни пайтда ушбу маҳалла ҳудудидида 50 гектар ерда Э. Давлатов каби ишбилармонлар томонидан иссиқхоналар барпо этилган. Етиштирилган маҳсулотнинг асосий қисми экспортга чиқарилаётир.

И. ИСТАМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУҶЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 20 ЯНВАРДАН 26 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 29 декабрдаги 188-сон «Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг механизми тўғрисидаги низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2175-4 (2018 йил 22 январдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 6 январдаги 3-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруғи.

2018 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2654-2 (2018 йил 22 январдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 31 декабрдаги 2017-73-сон «Чакана савдо ва солиқ қўмитаси соҳасида ўтказиладиган ҳизмат текширувларида назорат харидини амалга ошириш

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарори.

2018 йил 22 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2475-4 (2018 йил 23 январдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 35/2-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан тижорат банклари томонидан факторинг операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 23 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 953-4 (2018 йил 24 январдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги бош директорининг 2017 йил 20 декабрдаги 27-сон «Фойдали моделга Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, тошириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 25 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1343-3 (2018 йил 15 мартдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 5 январдаги 2-сон «Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 19-сонли БХМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказишга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 25 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 833-1 (2018 йил 25 январдан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик, Молия вазирилик, Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик Урта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 9 январдаги 2, 3-к/к, 5, 1/к-сон «Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни ҳарбий-академик лицейлар, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2874-1 (2018 йил 25 январдан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирилик, Ички ишлар вазирилик, Олий судининг 2017 йил 31 декабрдаги 28, 75, 622-сон «Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотлар ходимларига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик қораларини қўллаш ҳақидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2338-2 (2018 йил 26 январдан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 16 декабрдаги 34/9-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларидан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 26 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2711-1 (2018 йил 27 январдан кучга кирди).

Андижон томонларда

Балиқчи туманидаги «Болалар дунёси» номли нодавлат мактабгача таълим муассасасига 60 нафар кичкинтой қабул қилинди. Улар бу ерда уч гуруҳга бўлинган ҳолда ўзбек, рус ва инглиз тилларида таълим олишаёпти.

Балиқчининг «Болалар дунёси»

— Биз учун бу айни мудоао бўлди, — дейди Ўрмонбек маҳалласида истиқомат қилувчи Моҳира Нейматулова. — Энди набираларимни шу боғчага олиб бораялман.

Тадбиркор Дилфузахон Саримсоқова томонидан фаолияти йўлга қўйилиб, Ўрмонбек, Бўстон, Ҳўжа-обод ҳамда Мирзавахмедов

номидида маҳаллалар аҳолиси фарзандларига хизмат кўрсатаётган мазкур хусусий боғчада 18 нафар ишчи-ходим фаолият юритмоқда. Бу ерга Олтинқўл, Шаҳрихон, Улғунор каби чегарадош туманлардан ҳам ўғил-қизларини етаклаб келаётганлар сони ортиб бормоқда.

5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади

Андижонда туркиялик тадбиркор Али Вақлоннинг мева уруғчилиги бўйича ўзаро ҳамкорлик юзасидан киритган лойиҳалари муҳокама қилинди.

— Биз тақдим этаётган бизнес-режа мақсади келгусида уруғчилик институтини яратиш ҳамда Ўзбекистонни бу соҳада экспортчи мамлакатлар қаторига қўйишдан иборат, — дейди А. Вақлон. — Шунингдек, меваларни табиий равишда қуритиш ва хорижлик истеъмолчиларга тақдим этиш, қадоклаш, кўчат етиштириш каби йўналишларда ҳам фаолият юритмоқчимиз. Кўрғонтепа ҳамда Жалақудук туманларида 5 мингдан ортиқ янги

иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Узоро келишувга биноан, жорий йилнинг ўзида битта завод фойдаланишга топширилади. Андижонда ўтган йилги 2 миллион 830 минг тонна мева-сабзавот, 240 минг тонна пахта ва 2110 тонна пилла хом ашёси етиштирилиб, қайта ишланган хорижлик буюртмачиларга етказиб берилди. Вилоятга 34 та чет эл сармосини иштирокидаги корхона жалб этилиши натижасида уларнинг сони 180 тага етди.

Энди чироқ ўчмайди

Бу Пахтабод туманининг Дўнғқишлоқ маҳалласи аҳолиси учун янгилик бўлди. Вилоят электр тармоқлари корхонаси мутахассислари томонидан мазкур ҳудудда 2300 метр масофада 180 миллион сўмлик иш бажарилди.

— Фойдаланишга яроқсиз симётоқлар янги бетон устуналарга алмаштирилди, — дейди туман электр таъминоти корхонаси бош муҳандиси Исмоилжон Усмонов. — Эндиликда хар бир хонадон электр энергияси билан улкусиз равишда таъминланмоқда.

Туманда «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан 200 та хонадонга хизмат кўрсатувчи 250 кВА қувватли янги трансформаторлар ўрнатилиши режалаштирилган.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт



JUDO
PARIS GRAND SLAM
2018 France
10-11 February

Шарофиддин —
“Катта дубулга”
совриндори

Франция пойтахти Париж шаҳрида ташкил этилган “Катта дубулга” турнирида ўзбекистонлик дзюдочилар муваффақиятли катнашди.

Жумладан, Шарофиддин Лутфуллаев (-60 кг.) дастлабки жангларда Жанубий кореялик Харим Ли ва мезбон мамлакат вакили Седрик Револлини мағлуб этди. Ярим финалда бразилиялик Фелипе Пелимдан устун келди. Олтин медал учун кечган баҳсда япониялик машҳур спортчи Тору Шишимега қарши баҳс олиб борди.

Қизиқarli кечган беллашув якунида ҳамюртимиз мусобақанинг кумуш медали соҳибига айланди.

Футзалчиларимиздан покер натижа

Хитой Тайпейда футзал бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Айтиш керакки, бу кўрсаткич билан спортчиларимиз покер натижага эришди. Яъни 2005, 2007 ва 2014 йилларда спортчиларимиз бронза медалга сазовор бўлишган эди. Яна бир эътиборли жиҳати, қитъа биринчилигидаги кумуш медалларимиз сони ҳам ана шунчани ташкил этади. Бизга биргина олтин медал етишмаяпти, холос.



Энди бевосита турнирдаги иштирокимиз ҳақида тўхталиб ўтсак. Мусобақанинг гуруҳ bosқичида ўзбекистонлик футзалчилар мундан аввал чорак финал масаласини ҳал қилишди. “Плей-офф” bosқичида Вьетнам вакилларига қарши баҳс олиб борган жамоамиз 3:1 ҳисобида галаба қозонди. Бироқ ярим финалдаги кучли рақиб

— Эрон футболчиларини енгишнинг имкони бўлмади. Ироқ термасига қарши учинчи ўрин учун кечган беллашув жуда қизиқarli ва драматик руҳда кечди. Асосий вақт 4:4 ҳисобидаги дуранг билан якунига етгач, голиб пенальтилар серияси орқали аниқланди. Ўзбекистон терма жамоасининг иккинчи дарвозабони Акмал

Ҳазратқулов иккита пенальтини қайтариб, учрашув қаҳрамони айланди. Шу тариқа юрдошларимиз Осиё чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлишди. Эрон ва Япония терма жамоалари ўртасидаги финал учрашувида 4:0 ҳисобидаги натижа қайд этилди. Эронликлар ўн иккинчи бор Осиё чемпионлигини қўлга киритди.

“Локомотив” — “Ал Ваҳда”
5 : 0

Кеча Осиё чемпионлар лигасида янги мавсум старт олди. Ўзбекистоннинг амалдаги чемпиони ва кубого соҳибни Тошкентнинг “Локомотив” жамоаси турнирдаги илк ўйинини Бирлашган Араб Амирликларининг “Ал Ваҳда” жамоасига қарши ўтказди.

Учрашув “темирўйли”ларнинг тулик устунлигида ўтди. Бразилиялик легионер Нивалдо, Икромжон Алибоевнинг дубли, Сардор Рашидовнинг киритган голлари ҳамда рақиб жамоа футболчиси-

нинг автоголи эвазига “Локомотив” 5:0 ҳисобида зафар кучди. Ушбу турнирда иштирок этаётган мамлакатимизнинг яна бир жамоаси “Насаф” эса бугун Эронда “Персеполис”га қарши ўйин ўтказди.

Реванш олади

Бокс бўйича “Uzbek Tigers” жамоаси янги мавсумдаги илк жангини Кубанинг “Cuba Domadores”га қарши ўтказди.

Бутунжаҳон бокс сериялари (WSB) турнири гуруҳ bosқичида ўз вазн тоифаларида Йозбани Виета Худойназар Файзовни 3:0, Лазаро Альварес Эстрада Шунқор Абдурашуловни 3:0, Ронийел Иглесиас Махмуд Фойповни 3:0, Хулио ла Круз Мадйёр Саидрахимовни 3:0 ҳамда Хосе Лардуэт Гомес Баходир Жалоловни 2:1 ҳисобида енғди.

Шу тариқа “Uzbek Tigers” сафарда 5:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Энди жамоамиз 27 февраль куни Термиз шаҳрида ўтказилган “Cuba Domadores” ва 1 март куни бўлиб ўтадиган “Colombia Negroicos” учрашувларига тайёр-гарлик кўради.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

Польшалик профессор жарроҳлик амалиёти ўтказди

Республика шoshiлинч тиббий ёрдам илмий маркази Бўхоро филиалида польшалик профессор, Европа кардиологлари ассоциацияси аъзоси Роберт Гилл маҳаллий шифокорлар билан ҳамкорликда юрак хасталигига чалинган беморда жарроҳлик амалиёти ўтказди.

ХАМКОРЛИК

Филал шифокорлари учун ташкил этилган маҳорат сабоқларида хорижий мутахассис инсультга олиб келувчи ҳолатлар ва уни бартараф этиш, даволашнинг замонавий усулларига оид илгор тажрибалари билан ўртоқлашди. Тиббиёт муассасаларининг Европа стандартлари даражасидаги замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган эътиборга моликдир, — дейди профессор Р. Гилл. — Фикримча, ўткир инфаркт миокардга чалинган беморларни марказлашган усулда даволаган маъқул. Агар бундай инсонларга вилот ёки туманинг ўзида қон томтирларини очиб билиб боғлиқ тезкор муолажалар кўрсатилса, самараси катта бўлади. Негаки, вақтдан ютилади.

Айтиш жоизки, мазкур филалда Польшадан ташқари, Италия, Украина ҳамда Россиянинг етакчи клиникалари профессорлари ҳам келиб, маҳорат сабоқлари ўтказишди.

Истам ИБРОҲИМОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

БОЖХОНА хабарлари

Давлатимиз раҳбари яқинда Тошкент вилотидаги “Highway Logistics Center” замонавий транспорт логистика марказида амалга оширилаётган ишлар билан танишар экан, мазкур комплексдаги божхона тизими янгиликлари республикамизнинг барча ҳудудида жорий этилиши лозимлигини таъкидлаган эди.

Ортиқча тўсиқлар барҳам топмоқда

Марказнинг божхона терминалида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун ташкил қилинган семинар-тренинг мазкур вазифалар ижросига бағишланди. Бу ерда иштирокчилар тизимда ортиқча тўсиқларга барҳам бериб, замонавий инновацион технологиялар асосида соддалаштирилган божхона расмийлаштирувни амалга ошириш жараёнлари ҳақида батафсил маълумот олишди. Турли вазирлик ва идораларнинг божхона терминалидаги пунктлари, ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ягона экспресс-лаборатория фаолияти намойиш қилинди. Шунингдек, “ягона дар-

ча” тамойили асосида ҳужжатларни расмийлаштириш учун яратилган шарт-шароитлар, экспорт-импорт товарларини расмийлаштириш вақтида “хавфни бошқариш” тизимини қўллаш амалиёти қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бинобарин, божхона органлари фаолиятига оид йиғирмадан зиёд интерфаоллаштирувни амалга ошириш жараёнлари ҳақида электрон хизматларни жорий этиш назарда тутилганлиги таъкидлаб ўтилди. Буларнинг барчаси ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш, тадбиркорлар манфаатларини таъминлашга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Маданий бойликларимизга хиёнат

Тошкент вилоти божхона бошқармасининг “Гишткўприк” чегара-божхона комплекси ходимлари томонидан йирик миқдордаги ноёб тарихий ва маданий бойликлар республикамиздан олиб чиқилишига йўл қўйилмади.

Хусусан, фуқаро Н. Исмаиловнинг қўлу юки белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказилганда, назорат-рентген аппаратида шубҳали тасвирлар акс этди. У ҳолислар иштирокида очиб кўрилганида, 1800 — 1956 йиллар ораллигида зарб қилинган тарихий аҳамиятга молик тангалар борлиги аниқланди. Шунингдек, у собиқ иттифок даврига оид 5 турдаги 69 дона орден ва медал ҳамда мукофотни тасдиқловчи 3 дона гувоҳнома ҳам олиб чиқишга урингани маълум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ўтказилган бадий экспертиза натижаларидан сўнг, ушбу буюмларнинг тарихий аҳамияти ва қиймати борасида яқини хулосага келинади. Давлат божхона қўмитаси маълумотлари асосида Шойим БЎТАЕВ тайёрлади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REPUBLIKA MILK MARKAZI» МЧЖ
бошланғич баҳоси bosқичма-bosқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзстандарт» агентлиги «Ўзбекистон миллий метрология институти» ДКга қарашли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Форобий кўчаси, 333-«А» уйда сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/595 АСА бўлган «NEXIA» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 22 827 000 сўм.
Аукцион савдоси 2018 йил 15 март куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2018 йил 13 март куни соат 18.00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Respublika milk markazi» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!
O'ZSANOATQURILISHBANK
«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
Наманган минтақавий филиали

Ўзига қарашли бўлган, Наманган вилоти, Янгиқўрғон тумани, «Мамай» МФЙ ҳудудида жойлашган, тўла таъмирланган, барча қулайликка эга «Унгор» дам олиш маскани сотилиши муносабати билан сизга ушбу маскани ходимларингиз доимий маданий хордиқ чиқариш жойи сифатида сотиб олишингизни таклиф қилади.

Баҳоланган қиймати — 780 155 311 (етти юз саксон миллион бир юз эллик беш минг уч юз ўн бир) сўм.
Дам олиш масканида қуйидагилар мавжуд:

- дам олиш маскани ер майдони — 2,5 гектар;
- дам олиш уйлари сони — олпита;
- ошхона — битта;
- эзги мини футбол майдони — битта;
- сузиш хавзаси — битта;
- сўри-каравот — бешта.

Мурожаат учун манзил: Наманган шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 19-уй.
Телефонлар: (0-369) 234-32-90, 234-13-85, (+99897) 254-11-14 (Мирзохид Маматов).
Хизматлар лицензияланган.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК
«АМКОДОР» «САЛЕО» «АМКОДОР-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибутори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар | МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар | занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар | санчкили юклагичлар

Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар
Ўзбекистонда

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар | гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+998901) 974-00-61, 974-00-81.
Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

ПРОФНАСТИЛ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
галванизацияланган ва полимер қопламали ПРОФИЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган галванизацияланган ва полимерик маҳсулотдан фойдаланилади. Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ	ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
0,4 мм. — 33 000 сўм / п.м.	RAL 3005 0,45 мм. — 48 000 сўм / п.м.
0,5 мм. — 39 000 сўм / п.м.	RAL 3005 0,50 мм. — 51 800 сўм / п.м.
0,7 мм. — 54 300 сўм / п.м.	RAL 6005 0,45 мм. — 48 300 сўм / п.м.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг: (+ 99895) 197-00-93.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Фахриддин Мўминова отаси Абдуваҳоб МЎМИНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия илхор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 245. 139 555 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибхона (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎЛЪУЗЛАР ТАҚРИД ҚИЛИНАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терминал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфия жиҳазлари сифатдан чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улугмуродов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.15 Топшириқда — 00.50 1 3 4 5 6